

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/03.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЛЛАНАЗАРОВ АКМАЛ АБДУЛХАҚОВИЧ**

**ТУЗ КОНЛАРИ МАШИНАЛАРИ УЧУН КЕСКИЧ МАТЕРИАЛИНИНГ  
ЯНГИ ТАРКИБИ ВА ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик ва  
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси. Камёб,  
нодир ва радиактив элементлар технологияси (қўймачилик ва металларга ишлов  
бериш технологияси йўналиши)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент- 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Алланазаров Акмал Абдулхақович**

Туз конлари машиналари учун кескич материалнинг  
янги таркиби ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш.....3

**Алланазаров Акмал Абдулхақович**

Разработка нового состава и технология  
производства резца для машин соляных карьеров.....23

**Allanazarov Akmal Abdulkhakovich**

Development of a new composition and  
production technology of a cutter for salt pits machines.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/03.12.2019.Т.03.04 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЛЛАНАЗАРОВ АКМАЛ АБДУЛҲАҚОВИЧ**

**ТУЗ КОНЛАРИ МАШИНАЛАРИ УЧУН КЕСКИЧ МАТЕРИАЛИНИНГ  
ЯНГИ ТАРКИБИ ВА ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.02.01 – Машинасозликда материалшунослик. Қўймачилик. Металларга термик ва  
босим остида ишлов бериш. Қора, рангли ва ноёб металлар металлургияси. Камёб,  
нодир ва радиактив элементлар технологияси (қўймачилик ва металларга ишлов  
бериш технологияси йўналиши)**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент- 2021**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Т592 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ва «Ziyouet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Нурмуродов Салоҳиддин Дусмуродович</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оponentлар:</b>	<b>Зиямухамедова Умида Алижоновна</b> техника фанлари доктори, профессор <b>Абдурахмонов Хусниддин Закирханович</b> техника фанлари фалсафа доктори (PhD)
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Навоний давлат қончилик институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети хузуридаги DSc.03/03.12.2019.Т.03.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «18» май соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел./факс:(99871)227-10-32, e-mail: [tadqiqotchi@tdtu.uz](mailto:tadqiqotchi@tdtu.uz))

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 205 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.:(99871)227-10-32.)

Диссертация автореферати 2021 йил «5» май куни тарқатилди.  
(2021 йил «5» май № 122 рақамли реестр баённомаси).



**К.А.Каримов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ш.Б.Ташбулатов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д. (PhD)

**Ф.С.Абдуллаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг зарураги ва долзарблиги.** Бугунги кунда дунё миқёсида тоғ-кон саноатида қўлланиладиган қазииш машиналарининг кескичларини қаттиқ қотишмалар асосида ишлаб чиқариш, кескичларнинг ишлаш муддатини ошириш, физик-механик ва эксплуатацион кўрсаткичларини яхшилаш устида олиб борилаётган тадқиқотлар мавзунинг долзарблигини кўрсатади. Бу борада калийли туз жинсларини самарали парчаловчи қаттиқ қотишмалар тишларни вольфрам карбиди асосида ишлаб чиқариш ва уларни соҳага қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда туз конларида қўлланиладиган қазииш машиналари кескичларининг қаттиқ қотишмалар тишларининг физик-механик ва эксплуатацион хоссаларини ошириш ҳамда янги қотишма таркибларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қўламда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда қаттиқ қотишмалар кескич материалларининг таркибини ишлаб чиқиш ва уларнинг механик хоссаларини ошириш, уларнинг физик-механик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилайдиган вольфрам карбиди билан боғловчи компонентларини ишлаб чиқиш технологияларни яратиш муаммоси долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада республикада вольфрам карбиди асосида қаттиқ қотишмалар тишларни ишлаб чиқариш, жумладан, конларда қўлланиладиган қазииш машиналари кескичлари учун калийли туз жинсларини самарали парчалайдиган, юқори физик-механик ва эксплуатацион хоссаларга эга бўлган йирик донадорли вольфрам карбиди асосидаги қаттиқ қотишмалар тишларни ишлаб чиқариш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Республикада ишлатилаётган конларда қўлланиладиган қазииш машинаси кескичларининг мустаҳкамлиги ва ейилишбардошлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларда, шунингдек 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ... иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан конларда қўлланиладиган қазииш машиналари кескич тишлари материалларининг янги таркибини вольфрам карбиди асосида ишлаб чиқиш ва уни олиш технологиясини ишлаб чиқиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 26 декабрдаги

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ПҚ-2698-сон «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё амалиётида конларни казишда кўлланиладиган кескич тишлари учун қаттиқ қотишмаларнинг янги таркибини ва олиш технологиясини яратиш ҳамда уларнинг хоссаларини тадқиқ қилиш соҳасидаги илмий тадқиқотлар билан G.C. Kreymmer, H. Exner, J.A. Gurland, H. Holleck, S. Takeda, P. Rautala, J.T. Norton, M. Gruter, A.F. Guillerymet, V.F. Funke, B.I. Konyashin, R.P. Herber, K. Nishigaki, H. Yoshimura, H. Doi, J.F. Zhao, T. Holland, C. Unuvar, Z.A. Munir, Г.В. Самонов, Я. С. Третьяков, В.А. Туманов, В.А. Ивенсен, М.Г. Лошак, В.С. Чистякова ва бошқалар шуғулланишган.

Ушбу йўналишда республикамизда В.В. Чекуров, Р.М. Михридинов, Р.У. Каламазов, Ф.Р. Норхуджаев, С.Д. Нурмуродов, А.Х. Расулов, Н.Х. Бекмирзаев, Ш.М. Шакиров ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бу илмий-тадқиқот ишларида олимлар томонидан асосан кобальтли ёки никель-молибден боғловчига эга бўлган майда ва жуда майда донадорли қаттиқ қотишма материалларини олиш технологиялари кўриб чиқилган. Бу илмий-тадқиқот ишларида йирик донадорли вольфрам карбиди асосида қаттиқ қотишма материалларини олиш кўриб чиқилмаган. Ушбу диссертация ишида бу муаммоларни ҳал қилишга доир масалалар кенг ёритилиб берилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИОТ-2015-7-8 сон “Экстремал шароитда ишлайдиган қаттиқ қотишмадан тайёрланган асбобларни ишлаб чиқаришга жорий этиш” (2015-2016 йй.) мавзусидаги шартнома доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** конларда кўлланиладиган казиш машиналарнинг кескичлари учун калийли туз жинсларини самарали парчаловчи, қаттиқ қотишмали тишларни юқори эксплуатацион хоссаларга эга бўлган йирик донадорли вольфрам карбиди асосида тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

юқори физик-механик ва технологик хоссаларга ҳамда тенг тақсимланган йирик ўлчамли донадорликка эга бўлган вольфрам карбиди кукунларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

конларда қўлланиладиган қазиш машиналарининг кескичлари учун йирик донадорли вольфрам карбиди кукуни асосли ейилишга бардошли қаттиқ қотишмали тишларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

конларда қўлланиладиган қазиш машиналарининг кескичлари учун калийли туз жинсларининг самарали кесишини таъминловчи қаттиқ қотишмали тишларнинг кимёвий таркибини ишлаб чиқиш;

вольфрам карбидли қаттиқ қотишмадаги кобальт боғловчисини кобальт-никель боғловчисига алмаштириш асосида қаттиқ қотишманинг туз жинсларини кесишдаги ейилишга бардошлилигини ошириш;

тадқиқот натижалари асосида олинган қаттиқ қотишмали кескич тишларини республикамизнинг калийли туз конларида қўллаш ва уларни қўллашдаги техник-иқдосодий кўрсаткичларни ошириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида «Урал-20КС» русумли тозалаб-ўтувчи комбайнларнинг ишчи органига, калийли туз жинсларини парчалаш учун ўрнатиладиган РС-14 (Д6.22) турдаги тангенциал кескичлар ва уларнинг қаттиқ қотишмали тишлари, вольфрам, кобальт, никель ва вольфрам карбиди кукунлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида вольфрам карбиди билан кобальт, вольфрам карбиди билан кобальт-никель кукунларининг аралашмаси, кобальт ва кобальт-никель боғловчили йирик донадорли вольфрам карбиди асосли прессланган ва қиздириб пиширилган қаттиқ қотишмаларни олиш технологиялари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Олинган қотишма миқдорий кўрсаткичларини ўрганишда аналитик усуллар - қаттиқ қотишма материалларининг макро ва микроструктурасини МБС-9, МИМ-8М ва “Неофот-21” русумли металлографик микроскоплардан, рентгеноструктура таҳлилини амалга ошириш учун Ултима IV-рентгенли дифрактометр қурилмасидан, намунанинг механик кўрсаткичларини аниқлашда ТК-2 ва ПМТ-3 ускуналаридан ҳамда уларни қўллаш усуллари ёрдамида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

йирик донали вольфрам карбид кукунидан РС-14 турдаги кескичлар учун кобальт-никель боғловчили қаттиқ қотишманинг таркиби калийли туз жинсларини кесиш жараёнидаги ейилиш миқдорига кўра ишлаб чиқилган;

йирик донали ўлчамдаги вольфрам карбидини олиш технологияси вольфрам карбид кукунларини элементлардан синтезлаш ҳароратига, давомийлигига ва вольфрам кукунининг донадорликка кўра ишлаб чиқилган;

РС-14 турдаги кескич тишларини ишлаб чиқариш технологияси қаттиқ қотишмаларнинг ресурс тежамкорлиги бўйича ишлаб чиқилган;

вольфрам карбид донаторлиги 8...10 мкм бўлган қаттиқ қотишмадаги 11% кобальт боғловчини 11% (64%Co+36%Ni) кобальт-никель боғловчига алмаштириш асосида қаттиқ қотишманинг туз жинсларини кесишдаги ейилишга бардошлиги кобальтни никел билан легирлаганда ўртача 20...22% ортиши аниқланган;

ўртача контакт мустаҳкамлиги  $P_k = 450...500$  МПа, сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси  $\sigma_{сж} = 55...60$  МПа, абразивлик даражаси Барон-Кузнецов шкаласи бўйича  $a = 18...20$  мг бўлган калийли туз жинсларини самарали кесувчи қаттиқ қотишманинг янги 89%WC+7%Co+4%Ni кимёвий таркиби қаттиқ қотишманинг физик-механик ва эксплуатацион хоссасига асосан ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

турли мақсадларда қўлланиладиган қаттиқ қотишма материалларини олиш учун донаторлик ўлчами 6...8 дан 10...12 мкм бўлган йирик донаторли вольфрам карбиди кукунларини олиш технологияси ишлаб чиқилган;

йирик донаторли вольфрам карбиди асосли турли шакл ва ўлчамга эга бўлган қаттиқ қотишмани асбоб материалларини олиш технологияси ишлаб чиқилган;

конларда қўлланиладиган қазилма машиналарининг кескичлари, бурғилаш долотлари, турли парма ва зенкерлар, металлларга ишлов берувчи кескичлар тишлари учун йирик донаторли вольфрам карбиди асосли янги қаттиқ қотишма 89%WC+7%Co+4%Ni таркиби ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги аниқ қўйилган вазифа асосида синаб текшириш усуллари асосида аниқланган физик-механик ва эксплуатацион хоссаларнинг кўрсаткичлари бўйича олинган натижаларни физик-математик формулалар ёрдамида ҳисоблашлар орқали аниқланган кўрсаткичлар натижаларини таққослаш ва тўлиқ мослигини таъминлаш орқали ҳамда йирик донали вольфрам карбидли қаттиқ қотишмаларни синаб текшириш усуллари асосида аниқланган макро ва микроструктура таҳлилларида аниқланган натижалар билан таққослаш орқали асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти соф элементлардан синтезлаш усулида вольфрам карбиди кукуни донаторлигининг ўлчами технологик жараёнининг ҳароратига, вақт давомийлигига ва бошланғич хомашё бўлган вольфрам кукунининг донаторлик ўлчамига боғлиқ ҳолда шаклланишининг тартиби аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мустаҳкам ва абразив бўлган калийли туз жинсларини самарали кесувчи, ейилишга бардошли, йирик донаторли вольфрам карбиди асосли қаттиқ қотишма таркиби ва ундан конларда қўлланиладиган қазилма машиналарининг кескичлари учун тишларни олиш технологияси ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Конларда қўлланиладиган қазилма машиналарнинг кескичлари учун ейилишга бардошли



каттик қотишмали тишларни олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

РС-14 турдаги кескич учун йирик донадорли (9...10 мкм) вольфрам карбид таркибли ВК11В маркали каттик қотишма «Олмалик КМК қошидаги нодир металлар ва каттик қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси»га жорий этилган («Олмалик КМК» АЖ 2020 йил 22 октябрдаги 1527-сон маълумотномаси). Натижада калий ва тош тузи рудаларини казиб олиш унумдорлигини 1,13-1,15 марта оширишга хизмат қилган;

донадорлиги йирик ўлчамли вольфрам карбидини олиш технологияси «Олмалик КМК қошидаги нодир металлар ва каттик қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси»га жорий этилган («Олмалик КМК» АЖ 2020 йил 22 октябрдаги 1527-сон маълумотномаси). Натижада маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги энергия сарфини 1,12-1,13 марта камайтиришга хизмат қилган;

РС-14 турдаги кескич тишларини ишлаб чиқариш технологияси «Олмалик КМК қошидаги нодир металлар ва каттик қотишмалар ишлаб чиқариш бўйича илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси»га жорий этилган («Олмалик КМК» АЖ 2020 йил 22 октябрдаги 1527-сон маълумотномаси). Натижада кескични ишлаб чиқаришдаги таннархини 10-15% камайтиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертациянинг тадқиқот натижалари, жумладан 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманлари ва симпозиумларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 7 та мақола, жумладан 5 таси республика, 2 таси хорижий журналларда ва битта ҳаммуаллифликдаги монография нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шаклланган, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва асосий натижалари баён қилинган, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш ва апробацияси, шунингдек нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Туз жинсларини кесиш учун кескич материаллари ва уларни яратишнинг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида туз конлари комбайнларининг ишлаши ва уларда қўлланиладиган кескичлар турлари, конструкцияси, туз жинсларини кесиш жараёнида кескичнинг ҳаракатланиш траекторияси, кескичга таъсир кўрсатадиган юкламалар, кескичнинг дастаси ва тишини тайёрлашда қўлланиладиган материаллар физик-механик хоссалари ҳамда уларни яратиш муаммолари замонавий ҳолатининг таҳлили ўтказилган.

Тоғ-кон комбайнлари кескичларининг тишларида қўлланиладиган қаттиқ қотишмалар маркаларининг яратилиши ва эксплуатацион хоссалари бўйича МДХ ва чет эл давлатлари манбаалари бўйича ўтказилган таҳлиллар натижаларига кўра кескичлар билан калийли туз жинсларини самарали кесиш учун кескич тишлари йирик донадорликка эга бўлган вольфрам карбиди асосли қаттиқ қотишмадан тайёрланишининг мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб берилган. Бундан ташқари, бу бобда йирик донадорликка эга бўлган вольфрам карбиди кукунларини ишлаб чиқариш технологиялари бўйича чет эл ва республикамиз олимлари томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Объектларни танлаш ва қаттиқ қотишмалар физик-механик хоссасини тадқиқ қилиш методикаси»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектини танлаш, WC асосли қаттиқ қотишмалар олиш учун хомашё материаллари ва уларнинг асосий хоссалари ҳамда WC асосли қаттиқ қотишмалар физик-механик хоссаларини тадқиқ этишнинг замонавий усуллари ва қурилмаларидан фойдаланиш бўйича маълумотлар келтирилган.

Йирик донадорликка эга бўлган WC олиш учун ўртача донадорлиги 8,50...10,50 мкм бўлган W9,5 маркали вольфрам кукунини ва WC+Co қаттиқ қотишма физик-механик хоссаларини ошириш мақсадида ПНК-УТ1 маркали никель кукунини танланган.

Диссертация ишида тадқиқотнинг замонавий назарий ва экспериментал усулларида фойдаланилган: жумладан, WC кукун намуналарининг структура-фаза таркиби Ultima IV – рентгенли дифрактометрида (XRD), макро- ва микроструктураси, «НЕОРНОТ-21» (Германия) ҳамда МБС-9 маркали макро қурилмаларда ўрганилган.

Кескичларнинг конлардаги эксплуатацион шароитидан келиб чиққан ҳолда 730 ТД йўниш дастгоҳи асосида РС-14 турдаги кескич тишларининг ейилишга бардошлилигини синаш усули ва қурилмаси ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **«Йирик донадорли вольфрам карбид кукунларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш»** деб номланган учинчи боби вольфрам кукунини углерод кукунини билан карбидлаш назарий асосларининг таҳлилига, вольфрам ва углерод кукунларининг аралашмасидан соф элементлардан синтезлаш усулида йирик донадорликка эга бўлган вольфрам карбид кукунларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш, технологик жараён ҳароратини, вақт давомийлигини WC кукунининг

структура-фазалар таркибига, донадорлигига, заррача ўлчами ва шаклига ҳамда таркибидаги боғланган ва эркин углерод миқдорига таъсирини тадқиқ қилиш натижаларига бағишланган.

Ҳисоблар шуни кўрсатдики, ўлчами 10 мкм бўлган вольфрам заррачага 1900°C ҳароратда газ фазадан углероднинг стационар диффузиясида углероднинг диффузион оқими  $6,01 \cdot 10^{-11}$  г/(см<sup>2</sup>·с) ташкил этган, ҳароратнинг 2500°C га ортиши углероднинг вольфрамдаги диффузион оқимини 1339 марта оширган ва  $4,15 \cdot 10^{-8}$  г/(см<sup>2</sup>·с) ташкил этган. Шунингдек, углероднинг 1900°C ҳароратда вольфрамга ностационар диффузиясида ўлчами 10 мкм бўлган заррачанинг тўлиқ WC ҳосил бўлиб, карбидланиш вақти 3,206 сонияни ташкил этиши кўрсатиб берилган.

Углероднинг вольфрамга стационар диффузияси учун углероднинг диффузион оқимини ҳисоблашда Фик қонунининг шарсимон юзалар учун мўлжалланган формуласидан фойдаланилди:

$$J = 4\pi D(C_A - C_B) \cdot \frac{r_B r_A}{r_B - r_A} \quad (3.5)$$


бунда  $J$  – диффузия оқими, г/(см<sup>2</sup>·с);

$D$  – углероднинг вольфрамга диффузияси коэффиценти, см<sup>2</sup>/с;

$C_A$  – вольфрам заррачасининг ташқи юзасидаги углерод концентрацияси, А нукта, %;

$C_B$  – вольфрам заррача ичидаги углероднинг концентрацияси, В нукта, %;

$r_A$  ва  $r_B$  – мос равишда вольфрам заррачасидаги нукталар координатаси, см.



**а – 1900 °С; б – 2000 °С; в – 2100 °С; д – 2200 °С**

**1 – расм. Турли ҳароратларда ва 2 соат давомида карбидланган намуналар дифрактограммасининг штрих-диаграммаси**

Турли 1900, 2000, 2100, 2200 °С ҳароратларда ва бир хил вақт давомида карбидлаш жараёнидан ўтган вольфрам ва углерод кукуни аралашма намуналарининг сифатли рентгеноструктура-фазали таҳлили натижаларига

кўра 2200°C ҳароратда ва 2 соат вақт давомида карбидлаш жараёнидан ўтган намуна тўлиқ WC фазасидан ташкил топган бўлиб, бунда WC – фазасининг углерод билан 6,13% тўйинишига жараён давомийлик вақти етмаганлиги аниқланган (1 – расм).

Бир хил 2200°C ҳарорат ва турли 3, 4, 5, 6 соат вақт давомида карбидлаш жараёнидан ўтган вольфрам ва углерод кукун аралашма намуналарининг рентгеноструктура-фазалар таҳлили шуни кўрсатдики, 2200°C ҳароратда ва 4 соат давомида WC – фазасида 6,12% углеродга тўйинади ва карбидлаш жараёнининг кейинги 5, 6 соат давомида WC – фазадаги углерод миқдори ўзгармасдан қолади (1– жадвал).


1 – жадвал

2200 °C ҳароратда ва турли вақт давомида карбидланган намуналардаги углерод миқдорини аниқлаш бўйича ўтказилган таҳлил натижалари

Углерод, %	Карбидлаш жараёни вақтининг давомийлиги, соат			
	3	4	5	6
Боғланган углерод, $C_{\text{бф}}$	6,0	6,12	6,12	6,12
Эркин углерод, $C_{\text{эрк}}$	0,13	0,03	0,03	0,03
$C_{\text{бф}} + C_{\text{эрк}}$	6,13	6,15	6,15	6,15

Карбидлаш жараёнининг давомийлик вақтининг WC донадорлигига ва заррачалар ўлчами ҳамда шаклига таъсирини тадқиқ қилиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижасига кўра WC кукуни донадорлиги бошланғич вольфрам кукуни донадорлигига ва жараён вақтининг давомийлигига боғлиқ ҳолда қуйида келтирилган тартибда шаклланади:


- карбидлаш жараёнининг 3...4 соатларида вольфрам кукуни заррачаларида содир бўладиган кристалл ўзгаришлар натижасида ҳосил бўладиган ички зўриқишлар йирик ( $d \geq 8$  мкм) ўлчамли заррачаларнинг ўлчами 1...6 мкм бўлган майда заррачаларга парчаланишига олиб келган (2 – расм);



а – х2000; б – х3000

2 – расм. 2200 °C ҳароратда ва 4 соат давомида карбидланган намуна кукунининг сурати

- жараённинг 4...5 соатларида ўлчами 7...8 мкм бўлган вольфрам заррачаларни ўлчами 1...3 мкм бўлган майда заррачалар билан бирикади ва натижада ўлчами 9...12 мкм бўлган йирик заррачалар ҳосил бўлади (3-расм);



**а – травитланмаган; б - травитланган**

**3 – расм. 2200 °C ҳароратда ва 5 соат вақт давомида карбидланган заррачаларнинг микроструктура сурати**


- карбидлаш жараёнининг 5...6 соатлари давомида вольфрам карбиди куқун заррачалари бир-бири билан тўлиқ каттиқ фазали диффузион пишиб, вольфрам карбиди заррачаларидан ташкил топган ғовакли блоклар ҳосил бўлади (4 – расм);



**4 – расм. 2200 °C ҳароратда ва 6 соат давомида карбидланган намуналар.**

- вольфрам карбиди куқуни заррачаларининг шакли карбидлаш жараёни вақти давомийлигига боғлиқ холда, заррачалар шакли қирралидан қиррасизгача ўзгаради (5 – расм).






а – х800; б – х3000

5 – расм. 2200 °С ҳароратда ва 6 соат давомида карбидланган намуна кукунининг сурати

2200 °С ҳарорат ва турли вақт давомида карбидлаш жараёнидан ўтган намуналар кукунларининг донадорлиги тадқиқоти натижасида олинган вольфрам карбиди кукунлари донадорлигининг шаклланиш динамикаси 6 – расмда келтирилган.



1 – вольфрам; 2 – 4 соат; 3 – 5 соат; 4 - 6 соат

6 – расм. 2200 °С ҳароратда ва турли вақт давомида карбидланган намуна кукун донадорлигининг шаклланиш динамикаси

2200 °С ҳарорат ва турли вақт давомида карбидлаш жараёнидан ўтказилган кукун намуналар заррачаларининг микроқаттиқлиги таҳлили шуни кўрсатдики, 4 соат давомида карбидланган кукун намуна заррачасининг микроқаттиқлиги 5 ва 6 соат давомида карбидланган намуна кукун заррачасининг микроқаттиқлигидан катта (2 – жадвал).

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида W9,5 маркали вольфрам ва углерод кукунлари аралашмасидан соф элементлардан синтезлаш усулида донадорлиги ўртача 5...8, 7...10 ва 9...12 мкм бўлган вольфрам карбиди кукунларини олиш технологияси ишлаб чиқилган (3 – жадвал).

**2200 °C ҳароратда ва турли вақт давомида карбидланган намуналар кукуни заррачаларининг микроқаттиқлиги**

Заррача ўлчами, мкм	Юклама, гр	Карбидлаш жараёнининг вақт давомийлиги, соат		
		4	5	6
		Микроқаттиқлик, ГПа		
8...10	50	23,856	23,536	23,476


**Соф элементлардан синтезлаш усулида W9,5 маркали вольфрам ва углерод кукунларини карбидлаш технологияси**

WC донадорлиги, мкм	Жиҳози	Ҳарорати, °C	Мухит сарфи, м <sup>3</sup> /соат	Вақт давомийлиги, соат	Унумдорлиги, кг/смена
5...8	Графит найли ПГТ-60/2	2200	Н <sub>2</sub> , 1	4	32
8...10				5	25
11...12				6	20

Диссертациянинг «**Туз жинсларини самарали кесувчи йирик донали вольфрам карбиди асосли қаттиқ қотишма таркибини ишлаб чиқиш**» деб номланган тўртинчи боби йирик донадорликка эга бўлган вольфрам карбиди асосли қаттиқ қотишма намуналарини олиш технологиясини ишлаб чиқиш, WC донадорлигини қаттиқ қотишма структурасига ва физик-механик хоссаларига, ейилишга бардошлилигига таъсирини тадқиқ қилиш, намуналарни туз конларида апробациядан ўтказиш ҳамда уларни конларда қўллаш бўйича техник-иқтисодий самарадорликни аниқлашга бағишланган.

Кукун металлургияси усулларида олинадиган қаттиқ қотишмаларнинг асосий сифат кўрсаткичларидан бири бу материалдаги қолдиқ ғовакликнинг қиймати ҳисобланади, у материални олиш жараёнида ҳосил бўлади. Шунинг учун диссертация ишида олинган қаттиқ қотишма намуналардаги қолдиқ ғоваклик SIAMS 700<sup>TH</sup> автоматик қурилмасида тадқиқ этилган, намуналарнинг микроструктураси эса намунанинг травитланган ва травитланмаган шлифларини «NEOPHOT-21» микроскопи ёрдамида х1000, х2000 марта катталаштирилган ҳолда тадқиқот ўтказилган.


Намуналарнинг микроструктура таҳлили шуни кўрсатдики, қаттиқ қотишма намуналарда WC кукунининг заррачалари ( $\beta$  – фаза) шлиф юзаси бўйлаб тенг тақсимланган, қиздириб пишириш жараёни давомида намуналар таркибидаги кобальт ( $\gamma$  – фаза) тўлиқ WC заррачалараро бир текис тақсимланган, шлифлар юзасида майда дарзлар ёки ўлчами 7 мкмдан катта бўлган ғовакликлар аниқланмади. Бундан ташқари, шлифлар юзасида эркин углерод заррачалари аниқланмади. Намуна шлифининг юзасида 7 мкм дан кичик бўлган ғовакликлар микдори 0,20%ни ташкил этган, бу эса олинган намуналар сифатга эга эканлигини кўрсатган (7 – расм).



$d_{WC}$  донаторлиги, мкм а – 6...8; б – 8...10; в – 10...12

7 – расм. Таркиби 89%WC+11%Co қаттиқ қотишма намуналарининг травитланган микроструктураси сурати

Вольфрам карбид кукуни донаторлигини қаттиқ қотишма физик-механик хоссасига таъсирининг тадқиқи бўйича олинган натижаларга кўра, WC донаторликнинг 6...8 дан 10...12 мкм гача ортиши WC+Co қаттиқ қотишма намуналарининг қаттиқлигини 3%, кўндаланг эгилишдаги мустаҳкамлик чегарасининг 10%, сиқилишдаги мустаҳкамлик чегарасини 9% ва оқувчанлик чегарасининг 10% пасайиши, шу билан бирга материалнинг пластиклик чегарасининг ва пластик деформациянинг солиштирма ишининг 20...25% га ошиши аниқланган.



1 – 92%WC+8%Co; 2 – 90%WC+10%Co; 3 – 89%WC+11%Co


8 – расм. WC+Co намуналарининг: (а) сиқилишдаги мустаҳкамлик чегарасининг; (б) деформациянинг солиштирма ишининг  $d_{WC}$  донаторлигига боғлиқ ҳолда ўзгариш графиги




Донадорлигининг йириклашиши ҳисобига WC+Co каттиқ қотишма намуналари пластиклигининг ортиши намуналар статик мустаҳкамлигининг пасайишига нисбатан парчаланишдаги деформация ишининг қийматига кўпроқ таъсир кўрсатган (8,б – расм).

Кескичларнинг калийли туз жинсларни кесишдаги ейилишга бардошлилигини синаш махсус ишлаб чиқилган 730 ТД русумли бўйлама-йўниш дастгоҳида «Dehqonobod kaliy zavodi» АЖ корхонаси томонидан тақдим этилган калийли туз блокларини йўниш орқали амалга оширилган (9 – расм).

Кескичнинг ейилишга бардошлилигини синаш бўйича олинган натижаларга кўра, WC+Co каттиқ қотишма намуналарнинг WC донадорлигининг ортиши материал ейилишга бардошлилигига ўзгарувчан таъсир кўрсатган. Бунда WC донадорлигининг 8...10 мкм бўлган WC+Co каттиқ қотишма намуналар юқори ейилишга бардошлиликка эгаллиги аниқланган (10 – расм).



*a* – тиш чизмаси; *б* – тишлар; *в* – кескич дастаси; *г* – кескич; *д* – кескич ва блок.  
9 – расм. РС-14 кескичи ва уни ейилишга синаш




1 – 92%WC+8Co; 2 – 90%WC+10%Co; 3 – 89%WC+11%Co.

10 – расм. WC+Co ҚҚ  $d_{WC}$  донадорлигига ва кобальт миқдорига (1, 2, 3) боғлиқ ҳолда материалнинг ейилишга бардошлилигининг ўзгариш графиги ( $a = 18...20$  мг)

Синовдан ўтган барча турдаги намуналар юзасининг микроструктура таҳлили шуни кўрсатадики, тишнинг ейилган юзасининг баъзи жойларида WC заррачалар ўрнидан юлиб ёки синдириб олинган. Бунда WC дондорлиги 10...12 мкм, таркиби 89%WC+11%Co бўлган қаттиқ қотишма намуналар юзадан юлиб олинган WC заррачаларнинг 0,01 см<sup>2</sup> юзадаги ўртача сони 3..4 донани ташкил этган бўлса, қолган намуналарда у ҳар бир 0,01 см<sup>2</sup> юзада ўртача 1... 2 донани ташкил этган.

Олинган натижаларга кўра, қаттиқ қотишма намуналарининг WC дондорлигининг 8...10 дан 10...12 мкм гача ортиши, қаттиқ қотишманинг кобальт асос билан калий туз жинси орасидаги таъсирлашув юзасининг катталашшига олиб келган бунинг натижасида кобальт асоснинг абразив ейилиши ортган, бу эса WC+Co қаттиқ қотишма намуналаридан WC заррачаларининг тўкилишига олиб келган. Шунинг учун WC дондорлиги 8...10 мкм бўлган WC+Co намуналарнинг ейилиш жадаллиги, WC дондорлиги 8...10 мкм бўлган намуналарникидан катта (11 – расм).



***a* – синовдан олдинги ва *b* – синовдан кейинги**

**11 – расм. Таркиб 92%WC+8%Co  $d_{WC}$  дондорлиги 10...12 мкм бўлган WC+Co ҚҚ тишнинг ейилган юзаси ва унинг микроструктура суратлари**

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, калийли туз жинсларининг йирик донали вольфрам карбиддан тайёрланган тишлар билан самарали кесишни янада ошириш учун қаттиқ қотишма кобальт асосини физик-механик хоссаларини ошириш зарур.

Қаттиқ қотишманинг кобальт асосини мустаҳкамлаш усуллари таҳлили шуни кўрсатганки, WC+Co системасидаги кобальт асосини мустаҳкамлашнинг энг мақбул усули бу кобальтни бошқа элементлар билан легирлаш. Қаттиқ қотишма кобальт асосини легирлаш учун энг мақбул элемент никель ва никель-кобальт қотишмалари бўлиб чиққан, чунки никель вольфрам карбид заррачаларини ўзида тўлиқ намлайди, у билан кимёвий бирикма ҳосил қилмайди ва ўзида эритмайди.

Никель миқдорига боғлиқ ҳолда қаттиқ қотишма физик-механик хоссаларига ва ейилишга бардошлилигига таъсирини аниқлаш мақсадида таркиби 9%Co+2%Ni, 8%Co+3%Ni, 7%Co+4%Ni, 6%Co+5%Ni кобальт-



Апробацяя жараёнида  $89\%WC+7\%Co+4\%Ni$  таркиби қаттиқ қотишма тишига эга бўлган кескич намуналарнинг эксплуатацион хоссалари ҳозирда «Дехқонобод калий заводи» АЖ калийли туз конларида қўлланилиб келинаётган тиши ВК11КС маркали қаттиқ қотишмадан тайёрланган кескичлар билан таққослаш орқали амалга оширилган.



а – пастки; б – устки

**13 – расм. «Урал-20КС» русумли тозалаб-ўтувчи комбайннинг ишчи органига РС-14 турдаги кескичларнинг жойлашиши**

Ўтказилган апробация натижаларига кўра ишлаб чиқилган  $89\%WC+7\%Co+4\%N$  йирик донали қаттиқ қотишма таркибидан тайёрланган тишли кескич намуналари ёрдамида комбайн томонидан узунлиги 30 м бўлган калийли туз шахтаси қазилган. Ишлаш жараёнида комбайн 6 марта ейилган кескичларни алмаштириш учун тўхтаган ва 21 дона кескичлар янгисига алмаштирилган (4 - жадвал).

4 – жадвал

**Кескичларнинг эксплуатацион хоссаларини таққослаш**

Эксплуатацион хосса кўрсаткичлари	Ҳозирда қўлланилаётган	Экспериментал
Кескич тишининг материали	ВК11КС	$89\%WC+7\%Co+4\%Ni$
Қазилган шахта узунлиги, м	30	30
Кескич алмаштиришга тўхташлар сони, марта	9	6
Кескич алмаштиришга сарфланган вақт, дақиқа	88	55
Алмаштирилган кескичлар сони, дона	29	21
Кескич сарфи, дона/м <sup>3</sup>	0,091	0,065

«Дехқонобод калий заводи» АЖ калийли туз конларида қўлланилиб келинаётган ВК11КС маркали қаттиқ қотишма тишини жорий этилаётган  $89\%WC+7\%Co+4\%Ni$  таркибли қаттиқ қотишма (ВК11В маркали) тишига

алмаштиришда иқтисодий самарадорлик 0,4 млн сўмни ташкил қилди (жорий этиш тўғрисидаги акти 2020 йил Олмалиқ КМК қошидаги камёб металллар ва қаттиқ қотишмаларни ишлаб чиқарувчи ИИБ).

Ишлаб чиқилган қаттиқ қотишма  $89\%WC+7\%Co+4\%Ni$  таркибини бошқа соҳаларда қўллашни кенгайтириш мақсадида «TURON ABRASIVE» ОАЖ билан ҳамкорликда перфораторларнинг бетон тешувчи пармалар тишлари ва бетон-парчаловчи клинлар ўрнатма тишлари тайёрланган ва синовдан ўтказилган.

Ўтказилган синов натижаларига кўра  $89\%WC+7\%Co+4\%Ni$  таркибли қаттиқ қотишмадан тайёрланган парма тишлари ВК8 маркали қаттиқ қотишмадан тайёрланган парма тишларига ва бетон-парчаловчи ўрнатма тишларига нисбатан 15...20% ортиқ ишлаш муддатига эга эканлиги аниқланган.

## ХУЛОСА

1. Йирик донали вольфрам карбид кукунидан РС-14 турдаги кескичлар учун кобальт-никель боғловчили қаттиқ қотишманинг таркиби, калийли туз жинсларини кесиш жараёнидаги ейилиш миқдорига кўра ишлаб чиқилган.

2. Йирик донали ўлчамдаги вольфрам карбидини олиш технологияси вольфрам карбид кукунларини соф элементлардан синтезлаш ҳароратига, давомийлигига ва вольфрам кукунининг донаторлигига кўра ишлаб чиқилган.

3. РС-14 турдаги кескич тишларини ишлаб чиқариш технологияси қаттиқ қотишмаларнинг ресурс тежамкорлиги бўйича ишлаб чиқилган.

4. Вольфрам карбиди асосли қаттиқ қотишмали тишга эга бўлган кескич билан калийли туз жинсларининг кесиш самарадорлиги асосан қаттиқ қотишма тиш материалининг пластиклик деформацияланиш ресурсига боғлиқ эканлиги аниқланган.

5. Йирик донаторли WC кукуни ва кобальт боғловчидан тайёрланган қаттиқ қотишмали тишлари билан калийли туз жинсларини кесиш жараёнида асбобнинг ейилиши кобальт боғловчининг туз жинсларида мавжуд бўлган абразив заррачалари томонидан сидирилиши натижасида содир бўлиши аниқланган.

6. Вольфрам карбид донаторлиги 8...10 мкм бўлган қаттиқ қотишмадаги 11% кобальт боғловчини 11% (64%Co+36%Ni) кобальт-никель боғловчига алмаштириш асосида қаттиқ қотишманинг туз жинсларини кесишдаги ейилишга бардошлилиги кобальтни никель билан легирлаганда ўртача 20...22% ортиши аниқланган.

7. Ўртача контакт мустаҳкамлиги  $P_k = 450...500$  МПа, сиқилишдаги мустаҳкамлик чегараси  $\sigma_{сж} = 55...60$  МПа, абразивлик даражаси Барон-Кузнецов шкаласи бўйича  $a = 18...20$  мг бўлган калийли туз жинсларини самарали кесувчи қаттиқ қотишманинг янги 89%WC+7%Co+4%Ni кимёвий таркиби қаттиқ қотишманинг физик-механик ва эксплуатацион хоссасига асосан ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/03.12.2019.Т.03.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**АЛЛАНАЗАРОВ АКМАЛ АБДУЛХАКОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА НОВОГО СОСТАВА И ТЕХНОЛОГИЯ  
ПРОИЗВОДСТВА РЕЗЦОВ ДЛЯ МАШИН СОЛЯНЫХ КАРЬЕРОВ**

**05.02.01 – Материаловедение в машиностроении. Литейное производство.  
Термическая обработка и обработка металлов давлением. Металлургия чёрных,  
цветных и редких металлов. Технология редких, благородных и радиоактивных  
элементов (литейное производство, обработка металлов, технические направления)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент- 2021**



Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2018.1.PhD/T592.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Нурмуродов Салохадин Дусмуродович  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Зиямухамедова Умида Алижоновна  
доктор технических наук, профессор

Абдурахмонов Хусниддин Закирханович  
доктор философии по техническим наукам (PhD)

**Ведущая организация:** Навоийский государственный горный институт.

Защита диссертации состоится «18» мая 2021 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.28.02.2018.T.03.04. при Ташкентском государственном техническом университете и Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел./ факс:(99871)227-10-32, e-mail: [tadqiqotchi@tdtu.uz](mailto:tadqiqotchi@tdtu.uz))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована за №205). (Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.:(99871)227-10-32.)

Автореферат диссертации разослан «5» мая 2021 года.  
(реестр протокола рассылки №122 от «5» мая 2021 года).



**К.А.Каримов**

Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., профессор

**Ш.Б.Ташбулатов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.ф.т.н.

**Ф.С.Абдуллаев**

Председатель научного семинара при научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор



## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в мировом масштабе приобретает особую важность научные работы, по производству твердосплавных зубьев для резцов горно-карьерных машин, повышению их срока службы, физико-механических и эксплуатационных свойств. В связи с этим разработка твердосплавных зубьев на основе карбида вольфрама, обеспечивающая эффективное разрушение калийно-солевых пород и их применение в отрасли, является важной задачей.

Во всем мире проводятся целевые научно-исследовательские работы по повышению физико-механических и эксплуатационных свойств твердосплавных зубьев резцов горно-карьерных машин в солевых рудниках и разработки новых твердосплавных составов для изготовления зубьев. Наряду с этим являются актуальными, разработка состава твердого сплава для зубьев и повышение их механических свойства, также создание технологии производства связующих компонентов карбида вольфрама, улучшающих физико-механические и эксплуатационные свойства. В связи с этим считается важным в республике производство зубьев на основе твердых сплавов из карбида вольфрама, в том числе разработка и изготовление относительно дешевых и импортозамещающих составов твердосплавных зубьев с улучшенными физико-механическими и эксплуатационными свойствами на основе крупнозернистого карбида вольфрама для эффективного разрушения калийно-солевых пород.

Уделяется особое внимание мероприятиям по повышению прочности и износостойкости зубьев для резцов горно-карьерных машин, применяемых в рудниках республики. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи, включая «... укрепление макроэкономической стабильности и сохранение высоких темпов роста экономики, повышение ее конкурентоспособности, ... сокращение энергоемкости и ресурсоемкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологии»<sup>1</sup>. Выполнение данных задач, в частности, разработка нового химического состава материала зубьев для резцов горно-карьерных машин и технологии его получения является одной из важных задач.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Постановлениях № ПП-2698 от 26 декабря 2016 года «О мерах по дальнейшей реализации перспективных проектов локализации производства готовых видов

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан № УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан»

продукции, комплектующих изделий и материалов на 2017-2019 годы», № ПП-3117 от 7 июля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию научно-технической базы в сфере сельскохозяйственного машиностроения», № ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

**Степень изученности проблемы.** В мировой практике созданием нового состава твердого сплава и технологией получения твердосплавных зубьев для резцов, используемых в карьерных работах, а также научных исследований их свойств занимались G.C. Kreymer, H. Exner, J.A. Gurland, H. Holleck, S. Takeda, P. Rautala, J.T. Norton, M. Gruter, A.F. Guillermet, V.F. Funke, В.И. Konyashin, R.P. Herber, K. Nishigaki, H. Yoshimura, H. Doi, J.F. Zhao, T. Holland, C. Unuvar, Z.A. Munir, Г.В. Самонов, Я. С. Третьяков, В.А. Туманов, В.А. Ивенсен, М.Г. Лошак, В.С. Чистякова и другие.

В нашей республике по этому направлению проведены научно-исследовательские работы В.В. Чекурова, Р.М. Михриддинова, Ф.Р. Норхуджаева, С.Д. Нурмуродова, А.Х. Расулова, Н.Х. Бекмирзаева, Ш.М. Шакирова и ряда других ученых.

В этих научных работах в основном рассмотрены технологии получения мелкозернистых и особо мелкозернистых материалов для твердых сплавов с кобальтовыми или никель-молибденовыми связками. В этих работах не изучены вопросы получения твердосплавных материалов на основе крупнозернистого карбида вольфрама. В данной диссертационной работе подробно рассмотрены задачи по решению вышеуказанных научных проблем.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательской работы высшего учебного заведения.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планами научно-исследовательских работ Ташкентского государственного технического университета по договору ИОТ-2015-7-8 по теме: «Внедрение технологии производства инструментов из твёрдых сплавов, работающих в экстремальных условиях» (2015–2016гг.).

